КОНТРАСТИВ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ АМАЛИЙ МАҚСАДЛАРИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА

Д.САТИМОВА, Г.САТИМОВ

В статье освещены практические цели контрастивной лингвистики, в частности, в изучении иностранных языков. Рассматривая различие терминов "comparative linguistics"("сравнительно-типологическая лингвистика" и "contrastive linguistics" ("контрастивная лингвистика"), и опираясь на этимологию этих понятий, авторы предприняли попытку обосновать их истинное значение.

The article discusses the peculiarities of Contrastive Linguistics as one of the branches of General Linguistics. The authors try to show the practical importance of this branch of in the process of teaching foreign languages.

Турли тизимга мансуб тилларни ўрганиш ва ўргатиш масалалари азалдан жаҳон тилшуносларининг диққат-эътибори марказида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялаш жараёни, жаҳон халқлари ва миллатларининг ўзаро иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳалардаги ҳамкорлиги айнан шуни тақозо этмоқда.

Тарихдан маълумки, тилшунослик фани тараққиётининг гуллаб яшнаш даври, асосан, XIX аср Европа тилшунослари олиб борган тадқиқотлар билан юзага чиқди. Инглизларнинг Ҳиндистонни босиб олиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бу мамлакатнинг қадимги тили бўлмиш санскритнинг кашф этилишига ва шу аснода ҳинд-европа тилларининг қиёсий ўрганилишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсир санскрит тилининг сир-асрорини муфассал ўрганган инглиз олими Сэр Уильям Жоунснинг хулосаларидан ҳам кўриниб турибди. 1786 йилда британиялик шарқшунос ва ҳуқуқшунос олим Сэр Уильям Жоунс (1746-1794) Бенгал Осиё Жамиятига ёзган тақдимотида ўз кузатишларини шундай изоҳлайди: "Санскрит тили, қадимги шакли қандай бўлганлигидан қатъи назар, кишини ҳайратга соларли даражада жуда мукаммал тузилишга эга бўлган тилдир; у грек тилига қараганда анча мукаммал, лотин тилига нисбатан эса анча бой, бунинг устига ҳар иккаласига қараганда ҳам анча силлиқлашган тилдир. Лекин ҳар иккала тил билан ҳам яқин қариндош эканлиги аниқ кўзга ташланиб турибди; феълларнинг ўзагида ҳам, бошқа грамматик тушунчаларни ифода этишида ҳам бу ҳол яққол кўриниб турибди. Бу ҳодисаларни тасодифий деб бўлмайди; улар шунчалик кучли ифодаланганки, мутахассислар бу учала тилни бир-биридан ажратган ҳолда тас-вирлаб бера олмайдилар. Уларнинг ҳозирда йўқолиб кетган бир манбадан ўсиб чиқиб ривожлаганига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас" [1.296].

1816 йилда немис тилшуноси Франц Бопп бу борада олиб борган "Санскрит тилидаги турланиш тизимини грек, лотин, форс ва герман тилларидаги мавжуд тизим билан қиёслаш ҳақида" деб номлаган тадқиқотини эълон қилди.

Герман тиллари билан лотин, грек, славян ва болтиқбўйи тилларининг бевосита генетик жиҳатдан боғлиқлиги ҳақидаги мулоҳазалар даниялик тилшунос Расмус Раск 1818 йилда эълон қилган "Исланд тилининг келиб чиқиши ҳақида тадқиқот" деб номланган асарида баён қилинди. 1833 йилда Франц Боппнинг "Санскрит, зенд, грек, лотин, литва, эски славян, гот ва немис тиллари қиёсий грамматикаси" эълон қилинди. Шу билан бир қаторда яратилган Карл Бругманнинг "Ҳинд-европа тилларининг қиёсий грамматикаси" ва бундан кейин поляк тилшуноси Жерзи Курилович, немис олими Яков Гримм (1785-1863)лар томо-нидан яратилган асарлар қиёсий-тарихий тил-шуносликнинг ривожланиши ва турли тармоқларга бўлинишига сезиларли туртки бўлди.

Ўтган асрнинг 60-чи йилларига келиб тилларни генетик жиҳатдан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигидан қатъи назар турли мақсадларда қиёсий ўрганиш авжига чиқди. Бу ҳаракатнинг натижаси ўлароқ Британиянинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида дунёнинг каттагина қисмига тарқалган инглиз тилини мустамлака мамлакатлар тиллари билан қиёслаб ўрганиш диққат марказида бўлди.

Бу ҳол эса қиёсий типология (comparative typology), қиёсий тилшунослик (contrastive linguistics) деб аталган тармоқларнинг юзага келишига туртки бўлди.

Қиёсий типология (лингвистик типология) тилларни қайси генетик типга мансублигидан қатъи назар назарий жиҳатдан ўрганиш, яъни уларни характерли хусусиятларига кўра типларга ажра-

тиш (классификация қилиш), тилларнинг барчасига хос бўлган умумий (универсал) хусусиятлар, шунингдек, асосий кўпчилигига хос бўлган айрим хусусиятларини таҳлил қилиш ва шу асосда умумий назарий хулосалар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Тиллардаги типологик ўхшашликлар уларнинг тарихан келиб чиқиши билан боғлиқ эмас.

Контрастив лингвистика (қиёсий тилшунослик) қиёсий-тарихий тилшуносликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, бунда хорижий тилларни ўрганувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида тил ўрганувчининг она тили билан ўрганилаётган хорижий тил ўртасидаги тил ўрганиш жараёнига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган асосий фарқларни кўрсатиб, уларни енгиб ўтиш учун зарур кўрсатмалар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Контрастив лингвистика тилга синхроник тарзда, яъни тилнинг бугунги ҳолатига таяниб иш кўради, бошқача айтганда, контрастив тилшунослик бевосита тил ўргатиш жараёни учун зарур бўлган методикани ишлаб чиқиш учун асос яратади.

Таниқли тилшунос Ж.Болинжер таъбири билан айтганда, контрастив лингвистика тил ўқитиш тажрибаси асосида пайдо бўлган умумий хулосалардан иборат бўлади ва тилда кечаётган жараёнларнинг моҳиятини тўла англаш, бу жараённи бошқараётган қонунларни яхши тушуниб олишга ёрдам беради. Шу боис ҳам контрастив тилшуносликда тилнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиб берувчи омиллар бир-бирини тўлдирадилар. Таниқли рус тилшуноси академик Л.В.Щерба тилларни контрастив планда (тил фактларини қарама-қарши қўйиш орқали) ўрганиш хорижий тилни ўрганишда ёрдам беришгина қолмай, ўрганувчининг она тилининг яширинган жиҳатларини очиши ва тил структурасини тўлароқ англашига ҳам ёрдам беради.

Кейинги йилларда контрастив лингвистиканинг долзарб масалалари кўпгина халқаро конгрессларнинг кун тартибидан жой олди. 1972 йилда Болонья шаҳрида ва 1977 йилда Вена шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессларда, шунингдек, дунёнинг етакчи илм даргоҳларида ўтказилган тил анжуманларида кенг доирада муҳокама этилди ва зарур тавсиялар қабул қилинди. Контрастив лингвистика тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларнинг таъкидлашича, Р.Ладонинг “Халқлар турмуш тарзини ўрганиш орқали тилшунослик сари одимлар. Синтактик структуралар” (1957) номли китобининг нашр этилиши контрастив тилшунослик тарихида кескин бурилиш бўлди. Академик Л.В.Щербанинг таъкидлашича, ўрганилаётган чет тил билан талабанинг она тилини баравар илмий жиҳатдан тавсифлаш тил ўрганишда кўпроқ самара беради. Ҳозирги кунда контрастив тилшуносликнинг долзарб масалалари дунёнинг кўпгина илм даргоҳларида ўрганилмоқда. Жумладан, Польшанинг Познань шаҳрида поляк ва инглиз тилларини контрастив планда ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Сербиянинг Загреб шаҳрида серб-хорват ва инглиз тилининг хусусиятлари тадқиқ этилмоқда, Бухарестда румин ва инглиз тилларини ўрганиш, Штутгартда немис ва инглиз тилларини, Мангайм шаҳрида эса немис ва япон тиллари ҳамда немис-испан тилларини контрастив планда ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Болгарияда эса “Сопоставительное языкознание” деб номланган контрастив лингвистиканинг долзарб масалаларини мунтазам ёритиб борувчи махсус илмий журнал чоп этилади. Бу нашрларда чоп этилаётган маълумотлар амалий ва педагогик мақсадларни кўзлаган бўлиб, тил ўрганувчи ва ўргатувчиларга амалий ёрдам бермоқда.

Қиёсий (контрастив) тилшунослик фани умумий тилшунослик фани оламида “*comparative linguistics”, “contrastive linguistics, “confrontational linguistics”* деб, рус тилида эса *“сопоставительная лингвистика”, “контрастивная лингвистика“, “конфронтативная лингвистика”* каби номлар билан аталиб келади.

Гап шундаки, халқаро мулоқот тили мақомини эгаллаб келаётган инглиз тилида нарса, ҳодиса ва тушунчалар ўртасидаги фарқ ва ўхшашлик тушунчаларини англатиш учун “*to compare*” ҳамда “*to contrast*” феъллари қўллаб келинади. Агар вазиятга бироз бўлса-да аниқлик киритиладиган бўлса, “*to compare*” феъли нарса, ҳодиса ва тушунчаларнинг “ўхшаш томонларини қидириш мақсадида уларни таққослаш, солиштириш орқали умумий жиҳатларини аниқлаш” маъносида қўлланади; “*to contrast*” феъли эса нарса, ҳодиса ва тушунчаларнинг “бир-биридан ўзаро фарқ қиладиган, ноўхшаш жиҳатларини аниқлаш” маъносида қўлланади [2.269].

Ваҳоланки, хорижий тилни ўрганиш ва ўргатиш жараёнида талаба учун асосий қийинчилик туғдирадиган омил талабанинг она тили билан у ўрганаётган хорижий тил ўртасидаги фарқ ва ноўхшашликлардан иборат бўлади. Она тили билан ўрганилаётган тиллар ўртасидаги ўхшашлик талаба учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам тил ўрганиш жараёнини осонлаштирувчи омил сифатида ижобий аҳамият касб этгани ҳолда, улар ўртасидаги фарқ ва ноўхшаш жиҳатлар муқаррар тарзда муаммолар келтириб чиқариши аниқ. Шу боис хорижий тилни ўрганиш ва ўргатиш жараёнида тил ўрганувчи талабанинг ва, айниқса, ўқитувчининг асо-

сий эътибори ҳар иккала тил ўртасидаги фарқли жиҳатларни талабага тушунтириб бериш мақсадига қаратилмоғи даркор, тилшуносликнинг ушбу соҳасини эса “Қиёсий (контрастив) тилшунослик (Контрастивная лингвистика)” [3.3] деб атамоқ маъқул кўринади. Контрастив лингвистика, қиёсий типология фанидан фарқли ўлароқ, асосан амалий мақсадларни кўзлайди ва тил муаллими учун ҳам умумлисоний, ҳам услубий жиҳатдан зарур бўлган тавсияларни ишлаб чиқади. Хорижий тилларни ўқитишнинг умумтаълим жараёнидаги аҳамиятига тўхталиб, академик Л.В.Щерба контрастив лингвистиканинг асосий тамойилларини кўрсатиб бериш билан бирга талабанинг она тили ва хорижий тилни икки томонлама ва икки нуқтаи назардан чоғиштириш заруратини алоҳида таъкидлаб ўтган. Бу усул ҳақиқатан ҳам ҳар иккала тилнинг умумлисоний ва мазмуний чоғиштирилишини таъминловчи усул экани унинг лексикографияга оид тадқиқотларида ўз аксини топган [4].

Талабанинг она тили билан ўрганилаётган хорижий тил ўртасидаги фарқ ва ноўхшашликларни тилнинг барча сатҳларида, жумладан, фонетик тизимда ҳам, морфологияда ҳам, сўз ясаш воситалари тизимида ҳам ва, ниҳоят, ўрганилаётган хорижий тил вакиллари билан мулоқот жараёнини таъминлаб берувчи сатҳ бўлмиш синтаксисда ҳам кўплаб кузатиш мумкин.

Ўзбек талабалари учун инглиз тилидаги тиш орасида ҳосил қилинувчи **[ð]** товушини талаффуз этиш қанчалик қийинчилик туғдирса, русийзабон талабалар учун инглиз тилидаги [**ŋ**] товушини талаффуз этиш шунчалик қийин кечади. Чунки ўзбек тилида [**ð**] товуши ва рус тилида [**ŋ**] товуши мавжуд эмас, демак, талабаларда уларнинг ўз она тилларида мавжуд бўлмаган товушларни рисоладагидек қилиб тўғри талаффуз этишларини осонлаштирувчи кўникма ва малака ҳосил қилиниши зарур.

Қиёсланаётган тиллардаги сўзларнинг морфемик таркибида, шунингдек, морфологик категориялар, масалан, келишик ёки род (жинс) категориясини ифодалаш усулларида ҳам ана шундай фарқлар яққол кўзга ташланади. Инглиз ва рус тиларидаги сўзларнинг морфемик тузилиши кўрсатиб турибдики, бу тилларда сўзнинг олд қўшимчаси (префикслар) кенг миқёсда қўлланган ҳолда, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам префиксларни қўллаш одатий ҳол эмаслиги; ўзбек ва рус тилларида отлар олти келишикда турлангани ҳолда, инглиз тилида фақат иккитагина келишик борлиги ўзбек талабаларига от олдидан қўлланувчи кўмакчи сўз (предлог)лар ҳақида маълумот беришни тақозо қилади.

Ўзбек ва рус тилларида сўз тартиби (*Мен сенинг юзингни кўрдим ва балога қолдим. > Кўрдим юзингни, қолдим балога...* тарзида) эркин бўлгани ҳолда, инглиз тилида сўз тартибининг (*The dog ate the bone > *The bone ate the dog*) тарзида қатъий бўлиши талабаларга инглиз тили тарихидан қўшимча маълумот бериб, инглиз тили ҳозирги даврда “қўшимчалар йўқолиб кетган” *(H.Sweet)* даврни бошдан кечираётгани ҳақида муфассал маълумот берилишини тақозо этади.

Сўз ясаш воситаларига келсак, ўзбек, инглиз ва рус тиллари учун аффиксация усулида ва қўшма сўзлар ясаш (word composition) характерли бўлгани ҳолда, конверсия ва аббревиация (қисқартма сўзлар) ясаш асосан инглиз ва рус тиллари учун кенг тарқалган усул ҳисобланади ва ўзбек тили учун характерли ҳодиса ҳисобланмайди. Ҳозирги кунда рус тили таъсирида ҳосил бўлиб, тилимизда қўлланаётган айрим қисқартма сўзлар кўпинча кулгили ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. (Мас., АЁҚШ – автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси, АРМ – ахборот ресурс маркази)

Тилни ўрганиш ва ўргатиш жараёнида бу ҳолларни эътиборга олиш ва уларнинг моҳиятини тўла тушуниш талаба учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам ижобий натижаларга эришиш омили бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1.D. Crystal. The Cambridge Encyclopedia of Language. Cambridge University Press. 1993.
2.TOEFL (Cliffs) preparation Guide by Michael A. Pyle and Mary Ellen Munoz Page. Lincoln, Nebraska, 1995
3.Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика.- М.: Наука, 1981
4.Щерба Л. В. Русско-французский словарь. Сост. Л. В. Щерба и М. И. Матусевич. Под общей ред. Л. В. Щербы.- М., 1939 (предисловие).

Андижон давлат университети,
2013 йил 14 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)